



## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ОИЛА ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

М.О.Ҳабибуллаев<sup>1</sup>, С.Қ.Сотиболдиев<sup>2</sup>, И.А.Рўзиёв<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Наманган давлат университети Миллий ғоя ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси,

<sup>2</sup> НамДУ Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши талабаси,

<sup>3</sup> НамДУ Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5903140>

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 10 -yanvar 2022

Ma'qullandi: 15 -yanvar 2022

Chop etildi: 20 -yanvar 2022

### KALIT SO'ZLAR

Оила, оила институти, жамият, оилавий муносабатлар, фарзанд тарбияси, янги Ўзбекистон, маънавий-ахлоқий тарбия, меҳнат ресурси, кадрият.

Айни дамга келиб Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жамият ҳаётининг барча соҳаларида маънавий-ахлоқий омиллар устуворлигини таъминлашга қаратилган.

Истиқлолни кўлга киритганимиздан кейинги йиллар, айниқса, ривожланишнинг иккинчи босқичи (2017 – ҳ.в) мобайнида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Янгиланиб бораётган жамиятимиз ҳаётидаги бу ўзгаришларнинг асосий мақсади – инсон ва унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган. Бу каби ислоҳотларнинг энг асосий таянч кучлари ёшлар ҳисобланади. Сир

### ANNOTATSIYA

*Мазкур мақолада, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида оила институтига бўлган эътибор ва ёшлар тарбияси, шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан баркамол инсон қилиб тарбиялашда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ёритиб берилган.*

эмаски, ҳозирги ватга келиб Ўзбекистон меҳнат ресурсларининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил қилади. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда ёш-авлод таълим-тарбияси ва маънавий-маърифий камолоти долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Шундай экан, маънан етук ҳамда жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни ўта муҳим ва бетакрордир.

Донишманд халқимизнинг – “болага отадан ибрат, онадан меҳру – муҳаббат даркор” деган ҳикматли нақли бежиз келиб чиқмаган, албатта. Фарзанднинг ақлий ва ахлоқий жиҳатдан улғайиши, энг аввало, гўзал одобли ота – онага боғлиқ. Бола ҳар жиҳатдан уларга



ўхшашга интилади, ёшлик чоғида ота – онасига тақлид қилган ҳолда, уларнинг ўзаро муносабатларидан озиқланиб вояга етади. Дарҳақиқат, инсон фарзанди ота – онадан генетик мерос ва аждодлари генофонидан улуш олади. Буни оилашунослар ирсият, дейишади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоизки, Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичига келиб оила институтининг ривожланиши ҳам шак-шубҳасиз мазмунан юксалиб бормоқда.

Жадид намоёндаларидан бири Абдурауф Фитрат ёш авлодни тўлақонли тўғри йўлдан тарбияламасдан туриб жамиятни ислоҳ қилиш ва унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас. Миллат тақдири унинг оиласининг ҳолатига боғлиқ бўлади деган ғояни илгари суради: “Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли бўлади”, [1] деган қарашларини бугунги кунга келиб тўлиқ амалга ошаётганини ҳар қандай соғлом фикрга эга бўлган шахснинг англаши мушкул эмас.

Дарҳақиқат, инсон саломатлиги ва маънавий камолотининг биринчи пойдевори оилада қўйилади. Бу борада ўзбек халқининг оилада фарзанд тарбиялашдаги тажрибаси диққатга сазовордир. Бу тажрибада миллий тарбия анъаналари, инсон маънавиятини шакллантириш билан боғлиқ бўлган миллий, умуминсоний, диний қадриятлар ҳам ўз ифодасини топган. Бунинг пировардида эса, оилани

мустаҳкамлаш, унинг маънавий-ахлоқий тарбия борасидаги аҳамиятини кучайтириш масаласи давлат сиёсатида тобора катта ўрин олмақда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев – “биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, ахиллик ва ўзаро ҳурмат мухитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур” [2] деган фикрлари барчамиз учун дастуриламал бўлмоғи зарур.

Маълумки, Ўзбекистон – ёшлар мамлакатидир. Шу боис ҳам ёшлар таълим-тарбияси ва уларнинг маънавий – ахлоқий камолотига алоҳида эътибор қаратилади. Бугунги кунда мамлакатимизда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Президент мактаблари, Темурбеклар мактаби, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда ёшларга берилаётган замонавий таълим-тарбия Янги Ренессанснинг муштаҳкам пойдевори бўлмоқда. Бугунги кундаги амалга оширилиб келинаётган бундай имкониятлар, замонавий таълим-тарбия ва кўрсатилаётган ғамхўрликлар ёшларга берилаётган эътиборнинг амалий ифодасидир десак муболаға бўлмайди албатта.

Шу ўринда қисқа вақт орлиғидаги тарихимизга назар солсак. Айнан ўтган йиллар мобайнида оила, оилавий муносабат масалалари ва уларда ёшларни маънавий – руҳий оламини бойитишга бўлган эътибор бир қатор тегишли ҳужжатларда ёки давлат дастурларида қонуниан ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин.



Шунингдек, оилага ва фарзанд тарбиясига бўлган эътибор, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, қурилажак оилаларга замин яратиш, жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада ривожлантириш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб – қувватлаш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама ривожланган, миллий – маънавий қадриятларимиз шукуҳи билан вояга етган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва шу асосда бутун мамлакатимизда оила институти барқарорлигини таъминлаш сингари улкан мақсадларга қаратилган.

Оила масаласи бугунги кунда глобал муаммоларни ҳал қилувчи марказ, ижтимоий институт сифатида жамиятнинг ажралмас бир бўлаги бўлиб қадрланади. Ҳар қандай истиқболни оила манфаатларидан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, ҳар бир инсон учун оила, бу – умрнинг бошланиши, барча эзгуликларнинг муқаддимасидир. Қолаверса, ҳар бир инсон ўз бахти ва саодатини энг аввало оиласи билан боғлайди, яъни, ўз уйи, оиласида бахтли бўлган инсонгина ўзини тўлақонли бахтиёр ҳис этади. Шу боис ҳам инсон манфаатлари олий қадрият сифатида эътироф этилган мамлакатимизда олиб борилаётган одилona сиёсат ҳар томонлама ушбу муқаддас гулшанни мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Оила инсонларнинг авлодларини ривожланишининг ҳамда унинг

давомийлигини таъминлайди. Оилада камол топган бола жисмонан эмас, балки муайян маънавий фазилатларни эгаллаган, ижтимоий ва ҳуқуқий бурчини англаган инсон сифатида тарбияланади. Инсоннинг асосий моҳияти маънавий экан, унинг дастлабки куртаклари ҳам оиладаги тарбия жараёнида шаклланади.

Барчамизга маълумки, биз учун меҳр-муҳаббат кўрғони бўлган оила институти мустаҳкамлаш кейинги пайтда юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ана шу сиёсатни белгилайдиган муҳим ҳужжат – Ўзбекистон Республикасида оила институти мустаҳкамлаш концепцияси қабул қилинди. Мазкур концепцияни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази қайта ташкил этилди [3].

Табиийки шу ўринда, бугун жамиятимизда тарбиянинг ҳаётийлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш борасида қандай фаол ижтимоий институтлар бор деган савол туғилиши мумкин. Биз эса ҳеч иккиланмай, тарбиянинг асосий ўчоғи кеча ҳам, бугун ҳам ва эртага ҳам – бу “оила”дир деб бемалол жавоб бера оламиз.

Ҳулоса қилиб айтганда, агар жаҳондаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислохотлар аввало, оила ва ёшлар тарбиясига қаратилган. Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори бу – оила. Зотан, маънавий – ахлоқий қадриятлар оила биносини меҳр – муҳаббат асосида, ҳақиқат ва адолат заминига қуриб,



мустақамлаб, ундаги фарзандлар хизмат қилади десак, айна ҳақиқатни  
камолини бахт – саодатга эришишига айтган бўламиз.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Фитрат. Оила. – Т.: Маънавият – 1998. –б. 13.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарнинг кундалик қондаси бўлиши керак. Т.: Ўзбекистон – 2017. –б.43.
3. Мирзиёев Ш. М Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ. 2019.